

## **ЖАНГЛАРДА ҚАТНАШГАН АЁЛЛАР**

*Наманган вилоят тарих ва маданияти*

*Давлат музейи сектор мудири **Ш.Ахмаджонова***

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Наманган вилоятидан 100 дан ортиқ хотин-қизлар кўнгилли бўлиб ватан ҳимоясига отланди. Тўсатдан бошланган иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига катта кулфат келтирди. 1942 йилнинг қиши фаслида Наманган шаҳрида Мухаббат Исмаиловани Наманган область партия комитетининг биринчи секретари ўз хузурига чақирди. Мухаббатхон обком комитетининг биринчи секретари кабинетига кирганда, у ерда Раја Закирова, Фаридахон Бурнашева каби дугоналари ҳам ўтиришарди. Сизни муҳим иш билан чавирган эдим, деди обком секретари Мухаббатга қараб, сизни фронтга юбормоқчимиз. Бу таклиф сизга қизиқроқ тувлса керак. Мухаббатхон бир зум ўйланиб қолди. Бепоён Россиянинг бағри кенг Украина ва Белоруссиянинг ўт ичида ёнаётгани қишлоқ шаҳарлари унинг кўз олдидан ўтди. Халқимиз бошига шундай оғир кунлар тушган бир пайтда иккиланиб ўтиралидим, деди у дадиллик билан ҳозироқ жўнашга тайёрман. Онам хар доим менга “Севикли қизим, азиз Ватан учун фидокор бўл” дердилар.

Мухаббатхоннинг бу жавоабидан секретарь қувониб кетди ва “Рахмат, сизга соғлиқ, жанговар ишингизда муваффақият тилайман”, деди. У уйига келди-ю, шошилинч йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Шу пайт синглиси Саодат Ҳа қаерга отланияпсиз? , деди Фронтга ! деди У ерда ҳам менинг ўрним бор . Бутун кучимиз билан душманни тезроқ дав этишимиз керак.

Мухаббатхон эндиғина 8 ёшга тўлган қизи Мукаррам тўғрисидагина ташвиш тортар эди. Лекин синглиси ўз жиянини бағрига босиб, кўзларидан юм-юм ёш тўкиб, уни кўз қорашибидай сақлашга , тарбиялашга , вояга етказишга ваъда берди.

Намангандан фронтга жўнаётган етти қиз сафига Марғилондан Қодирова,Хадича Бакирова, Андижондан Холида Сафаровалар қўшилди. Ана шу кунларда қаҳрамон қизил армиямиз Сталинград фронтида душманга қақшатқич зарбалар бераётган эди. Мухаббатхон тушган эшелон ҳам худди шу фронт линиясига келди.

Бу ерда ҳам мамлакатимиздаги турли миллат фарзандлари қатори ўзбек йигитлари ҳам гитлерчиларга қарши қаҳрамона жанг қилишмокда эди. Мухаббатхон эпчил, абжир аёл бўлгани учун тезда уруш шароитига кўнишиб кетди. У махфий алоқа бўлимида хизмат қила бошлади. Жангчиларимиз орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Шонли қўшинларимиз Сталинград мудофаасидан шиддатли ҳужумга ўтиб, ғарбга томон олға қараб кетишли. Жанг оловларида тобланган Мухаббатхон ғоҳ машинада , ғоҳ пиёда, ғоҳ танкада ўз қисми билан ғарбга қараб борарди . Фронтда ҳам хотин-қизлар даҳшатли жанг шароитида ўз байрамлари 8-мартни нишонлар эдилар. Ўша йили март байрами Сталинград шаҳри яқинидаги Коганин қишлоғида окопда ўтказилди. Солдатлар, офицерлар, хотин-қизлар жангчиларни улуғ байрам билан табриклаб, уларга жанговар ишларида омод тиладилар.

Мухаббатхон жангчиларнинг туғишган опасидек бўлиб қолди. У ўз вазифасини бажариб бўлгач, қисмдаги солдатларни йиртилган кийимларини ямар, ярадорларга ҳам меҳр билан ёрдам берар эди. У тезроқ ғалаба бонги урилишини , душманнинг ер билан яксон бўлишини кутарди. Мамлакатимизнинг узоқ бир чеккасида Наманган шаҳрида ўсиб улғайган Мухаббатхон Исмоилова гвардиячи старшина унвонини олишга муюссар бўлди. У уруш йилларида Сталинград, Воронеж, Курск, Тула, Полтава, Кривоград, Кременгук ва Днепетровск шаҳарларида бўлган жангларида қатнашда, ярадор бўлди ҳам. Госпиталда ётиб даволанди, тузалиши билан яна фронтга юборилишини талаб қилди. У ўз қисми билан Руминияга келди. Сўнгра Яssi шаҳрини озод қилишда қатнашди. Ниҳоят Берлинда Рейхстагга Ғалаба байроғи тикилган кунни кўриш

Мухаббатга насиб бўлди. Мухаббатхон кўкрагини жанговар медаллар билан безатиб, ўз она юртига қайтиб келди. У энди халқ фаравонлиги йўлида хизмат қилди. Мана ўзбек аёлининг фидоийлиги, мана ўзбек аёлининг кудрати, мана ўзбек аёлининг матонати, бу матонат хозиргacha бизнинг ўзбек аёлларимизга авлодлардан мерос бўлиб келяпти. Мустақил Ўзбекистонда хам матонатли, сабрли ўзбек аёлларидан хокимлар, турли соҳаларда раҳбарлар хизмат қилмоқдалар.

### **АДАБИЙОТЛАР**

- 1.Мозийдан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.San'at журнал.2/2013 йил сони.
- 3.San'at Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
- 4.Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
- 5.Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгоҳлари.Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева